

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 68 (10.121)

2004 ЙИЛ 9 АПРЕЛЬ

ТАШРИФ

НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига давлат таширининг иккинчи куни Рига Думаси раиси-шаҳар мэри Г.Боярс билан учрашувдан бошланди. Ислам Каримов Рига Думасининг фаолияти билан яқиндан танишди. Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов Г.Боярс ҳамроҳлигида «Кронвольда» боғига келди. Риганинг энг сўлим гўшаларидан бўлиши ушбу боғда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улугбек ҳайкалининг (ҳайкал муаллифи - Ўзбекистон халқ рассоми Р.Миртожиев) расмий очилиш маросими бўлди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислам Каримов маросимда сўзга чиқиб, Латвия заминида ўзбек халқининг буюк сиймолари, маданий, илмий кадрлари эъзозланаётгани учун латиш халқига ва ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди. Рига шаҳрининг марказида буюк бобомиз Мирзо Улугбек ҳайкалининг ўрнатилиши икки халқ, икки мамлакат ўртасида тобора мустақамланиб бораётган дўстона муносабатларнинг ўзига ҳос тими соли бўлиб қолажаклигига ишонч билдирди.

— Ислам Каримовнинг Латвия Республикаси Сейми (парламенти) Раиси И.Удре билан учрашувда Ўзбекистон билан Латвия қрун чикарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Латвия Республикаси Бош вазир И.Эмсис билан ўтказган музокараси мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо-саноат, транспорт алоқаси, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди. Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорликни ривожлантиришда, муносабатларимизни мазмунан янада бойитишда муҳим аҳамият касб этishi таъкидланди.

Шу кун И.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташири ниҳоясига етди.

ЎЗА

Бугун — Амир Темур таваллуд тоған кун

БУГУН шаҳримиздаги Амир Темур хиёбонида буюк бобомиз ҳайкали атрофига давлат ва жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари, олимлар, зиёлилар, маҳалла фаоллари Соҳибқирон таваллудининг 668 йиллигини нишонлаш учун тўпландилар. Эрта тондан таниқил санъаткорлар ижросида янграган мумтоз наволар остида йиғилганлар буюк бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Шуни қайд этиш керакки, Мустақиллигимиз туфайли буюк Соҳибқиронга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, унинг бой меросини ўрганиш халқимиз учун хайрли анъанага айланди.



БУЮК БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Шундан сўнг Темурийлар тарихи Давлат музейида Соҳибқирон таваллудига бағишланган «Амир Темур — факримиз, ғуруримиз» мавзуда маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Қаҳрамони,

Халқ шоири Абдулла Орипов очиб жумладан шундай деди: «Адолат туйғуси энг кучли бўлган зотлардан бири, шубҳасиз Амир Темурдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бу улуг сиймонинг «Куч — адолатдир» деган сўзлари бутун дунёда акс-садо бўлиб янграмоқда. Соҳибқирон бобомиз бизнинг қалбларимизга нур бағишлаётган сиймодир. Унинг нуридан бутун халқ баҳраманд бўлмоқда. Темур ҳазратларининг сиймоси инсоният тарихида, келгуси авлодлар қалбида ўчмас хотира бўлиб қолади».

Анжуманда таниқил олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида мушоира ва мулоқот бошланди. Сўзга чиққанлар

Амир Темурнинг панду-ўғитлари бугунги кунимизга ҳамоҳанг эканлиги, Соҳибқирон қолдирган бебаҳо меросни ўрганиш, ёшлар онгига синдириш аса келажақ йўлимизнинг янада ойдинлашишига пухта замин яратишини таъкидладилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар буюк саркардининг миллатимиз, тарихимиздаги улкан роли, давлат қурилиши ва ҳарбий саркардалик санъати хусусида ҳам фахр ва ифтихор билан тўхталиб ўтдилар. Йиғилганлар шу кун И.Ўзбекистон расомларининг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига бағишланган расмлар кўргазмаси билан танишдилар.

Амир Темур таваллудига бағишланган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

Дилором ИКРОМОВА



ХУМСАДОСИ

Барча маилбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

● Тошкентда дренажга сармоялар жалб қилган ҳолда суғориладиган ерларни барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқро анжуман бўлиб ўтди.

● Самарқанд туманида яна бир янги қўшма корхона иш бошлади. Америкалик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Мароканд-парранда» қўшма корхонасининг Низом жамғармаси 197 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, бу ерда 163 киши меҳнат қилмоқда.

● Қашқадарё вилоят божхона хизмати ходимлари шу йилнинг ўтган даврида мамлакатимизга ноқонуний киритилётган ва олиб чиқиб кетилаётган 41,4 миллион сўмлик товарларни тўхтаиб қолишди.

● Фарғона вилояти Фурқат туманидаги «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган қалава иплар АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Хитой ва Россия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

● Термиз тиббиёт коллежи талабаларининг амалиётни янада мустақамлашлари учун катта имконият туғилди. Коллеж қошида барча қулайликларга эга бўлган поликлиника ишга туширилди.

Жаҳонда

● Эронда Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошлиғи Мухаммад ал-Барадей ва Техрон расмийлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Эрон ядровий технологиялари борасидаги барча гумонлар тўғрисидаги бартараф этилди. Эрон ҳукумати МАГАТЭ талабига қўра мамлакатдаги барча урани қайта ишловчи объектлар ҳужжати Мухаммад ал-Барадейга топширади-ган бўлди.

● Кипр оролини бирлаштириш масаласи ҳамон муаммолигича қолмоқда. Оролдаги турк ва грек жамоалари раҳнамолари Кипр аҳолисига бирлашмаслик мурожаати билан чиқишди.

● НАТО бош котиби Яаап де Хооп Схеффер билан биргаликда ўтказилган матбуот конференциясида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд агарда Ироқдаги Америка қуроли қучлари кўмондонлиги қарши ҳужумларни қайтариш учун қўшимча равишда ҳарбий хизматчиларни жўнатиш кераклигини талаб этса, бу иш амалга оширилишини таъкидлади.

ПОЙТАХТИНИНГ Дир кунли

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатиқларда

- **ЭРТАГА** Тошкент Давлат аграр университетининг касбий педагогика ва ўсимликларни химоя қилиш факультети талабалари «Меҳр-муруват — улуг фазилат» шиори остида бўлиб ўтадиган фестивалда иштирок этадилар.
- **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини «Маънавият кўни» ўтказилди.
- **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда туман фаоллари, Шароф Рашидов, Ойбек маҳаллалари оқсоқоллари, ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз лозимлиги таъкидланди.

- **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтган «Абдулла Қодирий ва миллий маданият муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда талабалар, адабиётшунослар иштирок эттишди.
- **РЕСПУБЛИКА** таълим марказида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Абдулла Қодирий ва ўзбек адабиёти» деб номланди.
- **«ИСТЕЪДОД»** жамғармаси қошида олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ва педагогларини масофали ўқитишнинг энг сўнги янгиликларидан хабардор этиш мақсадида Масофали ўқитиш маркази ташкил этилди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида таниқил бастакор Мустафо Бафоевнинг «Осмонда» деб номланган мусикий асарлари асосидаги концерт дастури санъат шинавандалари эътиборига ҳавола этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз хабарларидан.

Пойтахтимизда «Инсон ҳуқуқлари бўйича адвокатлар» юридик фирмаси фаолият бошлади.

ЮРИДИК ФИРМА ИШ БОШЛАДИ

Америка юристлар уюшмасининг «Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббуси» (ABA/CEELI) лойиҳаси ҳамда АҚШ давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бюроси молиявий кўмағида ташкил этилган мазкур адвокатлик фирмаси мамлакатимиз аҳолисига бепул юридик хизмат кўрсатади. Бу ҳозирча, Марказий Осиё минтақасидаги илк бегараз ҳуқуқий ёрдам муассасасидир.

АВА/СЕЕЛЛ лойиҳаси бир неча йилдан буён Ўзбекистонда суд, ҳуқуқ ва ҳуқуқий таълим соҳаларини ислоҳ қилишда тегишли ташкилотлар ва олий ўқув юрталари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Фирма Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан мустақил адвокатлик идораси сифатида рўйхатдан ўтказилган. Унинг ходимлари асосан Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича юридик клиника битирувчиларидир.

ЎЗА



**Сўраш,
жавоб берамиз**

Қонунларимизда никоҳланувчи ёшларга тўқинлик қиладиган ҳолатлар мавжудми? Агар бўлса, шулар тўғрисида тўлиқ маълумот берсангиз.

Г.Боқиева, талаба.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг II бўлими, 3-боб, 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар кўрсатилган. Унга мувофиқ никоҳ тузишга:

- лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртаклида;
- насл-насаб, шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай она-укалар билан она-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртаклида;
- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Менинг ФХДё идораларида қайд қилинмаган бир нафар фарзандим бор. Унинг отаси биз билан эмас, олдинги оиласи билан яшайди. Айтингчи, мен уни судга беришим мумкинми? Ахир фарзандим унинг ҳам зуррийетику. Ердам берса бўлмайdimи?

Х.Тўлибева, уй бекаси.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 10-боб, 62-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, оталикни суд тартибда белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд фарзанд кимнинг қарамоғида бўлса, ўша шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризасига қўра амалга оширилади.

Демак, сиз ариза билан судга муурожаат қилинг. Суд тегишли равишда қарор чиқариб, боланинг отаси белгиланади. Шундан сўнг отанинг вояга елмаган болаларига алимент тўлаши тегишли тартибда ҳал қилинади.

Муз устида нафис учиш — назаримда киши спорт турларининг ичиде энг нафосатлиси. Айтингчи, Республикаимизда шу спорт тури билан шуғулланиш учун имконият борми?

Э.Раззоқова, магистр.

Дарҳақиқат, муз устида нафис учинишнинг яққа жўфтлик учиш, муз устида ракс сингари аjoyиб кўринишлари бор. Юртимизда шундай спорт тури бор. Аммо спортчиларимиз сони сонюкли — 10 нафаргина. Фигурачиларимиз факат халқро муСОБАқалардагина қатнашади, холос. Миллий чемпионатимиз эса афсуски йўқ.

Илгари шаҳримизда «Юбилейний» номи билан аталадиган спорт саройи бор эди. Унда спортнинг 25 тури бўйича мусобақалар ўтказиларди. Маълум бир сабабларга қўра спорт саройи тугатилиб кетди. Шундай бўлишига қарамадан муз устида нафис учишда айна пайтда ҳам Япония ва Хитойдан кейин Осиёда учинчимиз. Ушбу спорт тури ишқибозларига айлиб ўтмоқчимизки булунги кунда Янги сарой қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Агар у тезроқ барпо этилса илгаримиздек 4-5 ёшли болақонлардан тортиб миғглаб ёшларимизнинг орзулари амалга ошган бўларди.

Хозирча эса муз устида нафис учиниш жон-дили билан севган болақонлару ўсимлар унун муз саройлари кўнгидаги орзу холос.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиктирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғирок қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, кўнғирок қилинг.

обод, кўркам, унда яшаётган ҳар бир оиланинг ҳаёти беташиш бўлиши учун ўз уйимизни ўзимиз кўриқлашимиз, уни ёмон кўзлардан асрашимиз лозим бўлади.

Бугун жойларда бўлиб ўтаётган учрашувларда, йиғилишларда, маҳаллаларда бир гуруҳ ёвузларнинг кирдикорларига қарши халқ ўз қаҳру-ғазабини ифодаламоқда.

ва қабоҳат, адолат ва разолат ёнма-ён экан гул ҳам тикандан ҳоли бўлмайди. Турмуш тажрибасига бой, нуруний кексаларимиз: «Кўзингни каттароқ очиб, хушёр бўлиб юр, болам!» дея бизни қайта-қайта огоҳлантиришларининг сабабини яна бир бор аниглаб етатимиз. Бу ҳол бизнинг ҳар кунимиз лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан ҳалос бўлишга, ҳар бир фуқарони юртимизда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа — менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор деб тўғри тушунишга ундайди. Юрдошларимиз тилида бугунги кунда «Шу азиз Ватан барчамизники», деган шир баралла янграётганининг боиси ҳам шунда. Улар турли матбуот органлари, телевидение ва радио тўлқинлари орқали дил изҳорларини очқ-ойдин баён этишмоқда.

Мана нималар дейди бизга Юнусобод туманида истикомат қилувчи кекса онахон Раҳима Содиқова:

— Мен онаман. Битта болани авайлаб катта қилгунча онаизор қанчалик заҳмат чекишини яхши биламан. Биз табиатнинг буюк неъматини бўлиб яралган инсон — оналар учун фарзанд нақадар азиз ва лазизлигини тил билан ифода этиб бўлмайди. Ер юзидеги барча оналар ҳаммиша фарзандим завол кўрмаса, катта бўлиб эл қорига яраса деган ниятда бўлади. Бугун мен ўз қора қилмиши билан фарзандларимизга завол етказган қўзғунларга лаянат ўқийман. Тинчлик, осойишталик, ҳақ ва адолат йўлида жонини қурбон қилган нуридийдаларимизнинг оналари қайғусига шерик бўлган ҳолда уларга Оллоҳдан сабр-бардод тилайман.

Биз учун Ватан ягона, Ватан муқаддас. Ҳар биримиз учун нондек, жондек азиз бу юрт, шу табаррук тупроқни топмақчи бўлганлар ҳеч қачон ниятларига ета олмайдилар...

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Тинчлик—энг улғуф неъмат ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Она юртим, осмонингда булут кўрмасам дейман. Ҳароратли кўёшинг ҳар қандай булутни зумда парчалаб ташлаш қудратига эга бўлсада, ҳаммиша осмонингнинг мовий денгиз каби тиниқ ва беғубор бўлишини истайман. Не ажабки, табиат сирли, ҳаёт мураккаб экан. Баъзан бу ёруғ оламда ўзини ўтга урган парвона мисол шошқич, адашган булутлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ҳар қанча уринмасин парвона куйиб кул бўлади. Бесабаб, бемаврид пайдо бўлган булутнинг ниҳояси ҳам шундай аянчли яқун топади. Бу исботини топган ҳақиқат.

Бугун она заминимиз, муқаддас тупроғимизда шум ниятла юрган ганимларни ўша булут ва парвонага ўшатгим келади. Бу табаррук диёр бошидан не-не қора кунларни кечирмади. Бу ўлкага кимкй қилич кўтариб кирган бўлса, барчаси ўша яроқдан ўзи нобуд бўлган. Бунга тарих гувоҳ.

Бу элпарвар, тинчликсевар юрт. Халқимиз меҳмондўст, бағри кенг халқ. У ҳаёт инсонга бир марта берилишини яхши билади. Шунинг учун ҳам бутун умри давомида яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Бугун барчамиз бир овоздан: «Ватаннинг бир қаричи ҳам Ватан, кимки унга ёмон ният ила тикилар экан, юртсевар халқимиздан ўз жазосини олади», деяётганимизнинг ҳам боиси мана шунда. Қолаверса, Юртбошимизнинг «Энг катта орзум — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!» деган оташин сўзлари ҳам ҳаммиша бизни хушёрликка, ўз уйимизни ўзимиз асрашга даъват этиб туради.

Уйлаб ўйимга етолмайман. Нега бу қора ниятли кишилар бизнинг тинчлигимизни кўришолмайди? Уларнинг мақсади нима ўзи? Нега озод халқ истиқболига тош отишга уринишади? Хўш, бундан нима топилари? Ҳасаддўй, хиёнаткор бу тўдалар ўз қилмишлари билан нахотки ўзларига гўр қазиб, жонига жабр қилаётганларини билмасалар. Бу уринишлар беҳудалиги, биринчи кунлардан оқ мустақиллик йўлига собитқадамлик билан ишлаётган ва яшаётган халқ газабига дучор бўлишганининг ўзи ҳам шундан даллат эмасми?

Мана шундай синовларда ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллатнинг нималарга қодирлиги, қатъият ва иродаси яққол намоён бўлади. Юрагиде ўти бор, ориятли баҳодирларимиз ортимизда турганлигини яхши биламиз. Лекин шундай бўлсада, Ватан, эл-юрт тўғрисида дилларга жо этиб шу муқаддас заминнинг тинч ва осойишталиги учун, хонадонларимизнинг янада

Барча юртдошларимиз қалбиде «Осойишта ҳаёт кечираётган, тинч-тотув яшаётган элимиз бошига бу бало-қазо яна қаердан келди? Унинг сабаби, таг-томири қаерда?», деган табиий савол туғилади. Бизни ўйлантираётган бу саволларга Юртбошимизнинг Ўзбекистон телевидениесига берган махсус интервьюсидан жавоб топгандек бўлди. Бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилаётгани тўла-тўқис ўз ифодасини топди.

Албатта ҳар биримиз учун ҳаёт ширин, унда яшаш янада гўзал. Бу бўстонга фақат сара гуллар териш ниятда кирамизу баъзида беҳосдан тиканакча дуч келиб дилимиз озор топади. Оғриқли нўқтанимиз тикан азобини тарк этгунча азият чекамиз. Чунки бу ёруғ оламда яхшилик ва ёмонлик, оқиллик ва нодонлик, садоқат

Ўзбекистон - ҳинд тадқиқотчилари нигоҳида

Дехлидаги Жавоҳарлаб Неру университетиде «МДХ мамлакатларида кечайтган ўтиш даврини тушуниш» мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мазкур университетини Россия, Марказий Осиё ва Шарқий Европа тадқиқотлари маркази ҳамда Халқаро тадқиқотлар мактаби томонидан ташкил этилди.

соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, унинг халқаро ҳамкорлик кўламлири тўғрисида сўз юритилди. Айна пайтда мавзучилар Ҳиндистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларига баҳо бериш билан бирга, шу минтақанинг катта имкониятларига алоҳида тўхталдилар.

- Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани бутун дунё микросида анчандан буён кузатилмоқда. Бунинг сабаби мамлакатингизнинг изчил собит қадам халқаро сийсати, бой табиий ресурслари, катта интеллектуал салоҳияти ҳамда халқингизнинг эртанги кунга мустақам ишончидир, - деди

Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институтининг тадқиқотчиси Рамакант Двиведи.

- Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро алоқалар азалий тарихга эга. Мен қарийб қирқ йилдан буён Бобур юрти бўлмиш Ўзбекистон билан ҳамнафасман. Юртингиз бугун жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига тушган мамлакатдир. Ўзбекистон билан нафақат илмий-маданий, балки савдо-иқтисодий алоқаларимизнинг янада мустақамланиши ҳар икки тўмонга бирдек манфаат келтиради, — деди Жавоҳарлаб Неру университети профессори Шамсуддин.

Шухрат УМИРОВ «Жаҳон» АА. Дехли.

Саховай

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА СОВҒА

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан болақайларга совға сифатида қатор ижодий армуғонлар ҳозирланди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг графика шўъбаси саяъ-ҳаракати билан амалга оширилаётган бу хайрли иш Тошкентдаги 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳам беҳад мамнун этди.

Гап шундаки, бу даргоҳда янги ташкил қилинган кўргазма Ўзбекистон халқ рассоми Медат Кагаров ижод намуналаридан ташкил топди. Экспозицияда рассомнинг автолютография, меногравиора каби техник усулларда яратган талайгина картиналари

ҳам бор. Жами элликта экспонатни ўз ичига олган бу кўргазма тўлалигича меҳрибонлик уйи иштироғида берилди. Бу совға расмлар бу ерда ташкил этиладиган картиналар галереяси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳозирги ўтиш давридаги сийсий-иқтисодий ҳамда ижтимоий жараёнлар, уларда олиб борилаётган ташқи ва ички сийсат билан боғлиқ масалалар конференциянинг асосий мавзуси бўлди.

Семинарда МДХ мамлакатларида демократиялаштириш жараёнлари, оммавий аҳборот воситалари билан ишлаш, хавфсизлик ва бошқа долзарб мавзуларга бағишланган қатор маърузалар тингиланди. Улар юзасидан қизгин баҳс-мунозалар бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон ҳаётига оид мавзу тез-тез тилга олинди. Хусусан, юртимизнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий ривожланиши, турли

Миллий истиқлол гоёси билан боғлиқ фанлардан ўқувчиларга сабоқ бериш бой тажрибага эга бўлган моҳир ўқитувчиларга ишониб топширилган. Уларнинг илғор фаолиятларини оммалаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси доимий равишда семинар-кенгаши, тренинглар ўтказишни йўлга қўйди.

Маълум

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

«Одобнома», «Ватан тўғриси», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фанларидан дарс бераётган ижодкор мураббийлар томонидан ташкил этилаётган бундай сабоқлар режалари асосда уюштирилмоқда. Жумладан, тарих фанига иштирослаштирилган 216-мактабда ўтказилган бундай маърифий тадбир ҳам қутил-

ган натижани берди. «Одобнома» дарсларида интерфаол усуллар», «Миллий кадриятларимиз», «Оила» мавзуси бўйича умумлаштирувчи дарс» деган машғулотлар айникса ўқитувчиларда яхши таассурот қолдирди. Ижодкор мураббийлар бу борада ортираётган бой тажрибаларини ҳам сўзлаб бердилар.

Амир Темур таваққулини 668 йиллигига

Соҳибқирон келини Хонзода хоним учун совға-саломга даставвал икки сандик тайёрлатишни буюрди. Муҳаммад Чурога додхога олиб кириш буюрилган совға-саломлар ана шу сандиклардан иборат эди. Биринчи сандик тилла исирга-ю биллакузуклар, ёқут кўзли шохонаклару кумуш камарлар, зар тақинчолару маржонлар, олтин зебигардону тиллақошлар, қашкар балдоғи-ю ойбалдоқлар, кўзумчоғу туморлар, Яман ақиқи, жавоҳиру забаржад, лаълу ёқут, дурри Адан, гавҳару марваридлардан иборат бўлсин. Иккинчиси, шойи либослару гўзапўчоқ нусха гижим рўмоллар, шол рўмоллару баркут нимчалар, заррин чопонлару пушти авра тўнлар, чунки Хоразм маликаси кўпинча пушти рангли тўнлар киярди, пишқиқ сахтиён маҳси-кавушлар, кимхобу турфа хил атласлар, катону занда-нача ва ҳоказо тоза матоларга тўлдирилсин. Тагин. Упа-эликлар учун бир нақшинггор сандикча олинсин, унга пардоз-андоз буюмлари — мушку анбар, Бағдод сурмаси, Эрон атири, Хиндистон хиноси, Хўтан уфори, боққанда хуснга хусн кўшадиган зарҳал гардишли ойдаи тиниқ кўзгалар, сурмадонлар, қошқаламлар, "олтин варақ" деб аталмиш хол ва қошга суриладиган қора бўёқлар солиб қўйилсин...

Соҳибқирон тухфасини Муҳаммад Чурога додхо олиб кирганида малика сандикларни кўриб қувониб кетди, шахло кўзлари нурланди. Сароймулкхоним билан Окқиз тухфаларни кўришда Хонзода хонимга кўмаклашдилар. Малика сандикларнинг чиндан ҳам тоза ва ноёб нарсалар, тансиқ моллар билан тўлиб-тошганлигини кўриб ҳайратда қолди. Уткинчи дунё моли ун етти яшар тул қолган кўнгли ярим келинчақ хаёлини ўғирлашга қодир эди. Шундай бўлди. Соҳибқиронга ҳам шу керак эди аслида, мотамсаро келини андак овунса, дунёдан кўнгли совумаса бас.

Меҳмонхона остонасида Амир Темур билан Қутлуг Туркон оқани қўлида заррин жиякли зангори бахмал кўрпачага ўралган Муҳаммад Султонни кўтариб олган Сароймулкхоним ва ўзига бироз оро берган, чунки шундай қилишга уни Окқиз ундади, аввалги хусни камкам ўзига қайтаётган Хонзода хоним қаршиладилар. Ажойиб бир ҳолат юз берди: бобо билан биринчи набира дийдорлашмакда эдилар!

— Келсунлар! Келсунлар!.. — эркалади соҳибқирон беқасам заррин тўнча кийдирилган гўдакни қўлига оларкан. — Пахлавонни кўрингиз, пахлавонни!.. Пахлавонни!..

Бобо-набира ўз-ўзлари билан бўлиб турганларида Сароймулкхоним кейин Хонзода хоним қутлуг меҳмонларни тавоф эта бошладилар. Соҳибқирон ўнг қўли билан Хонзода хонимни ёлкасида кучдида, манглайдан суюб ўдиб қўйди. Хоразм маликаси оҳиста ортга чекинди...

Амир Темурнинг Муҳаммад Султонни расман биринчи марта кўриши эди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейинги паллаларда гоҳ-гоҳ тўғри келганда чақалоқни кўришга интилмас, кўз тегмасин деб кишилар олдида суюшдан кўрқар, фақат кўнгли увалганга бағрига босиб қўйиш билангина чекланарди. Мана энди Муҳаммад Султон билан илк бор юзма-юз кўришиши... Бонуйи кубро, маҳди улё ва малика соҳибқирон ёнида уни кузатиб турар эдилар.

Боланинг ёпинчигини очиб, тўйган кўзидай маъраб ухлаб ётган гўдакка термилар экан, соҳибқирон қалбини аллақандай бир исмсиз туйғу чулғаб олди. Жажжи-

гина гўдак дунё ишларидан мутлоқ беҳабар, ҳозир уни кўргани улуг бобоси келганини хаёлига ҳам келтирмай уйкуга фарқ ётарди. Шу пайт худди бобоси ташрифидан мамнун бўлгандай ширингина кулиб қўйди... Унинг кулгуси шу қадар беғубор эдики, соҳибқирон мўжиза кўргандай алланечук ҳолга тушди, у узок йиллар бундай мўжизани учратмаганди! Ҳа, Ҳа, гўдакнинг беғубор кулгуси — Аллоҳнинг мўжизасидир! Халлоқи безаволга салламо!

Амир Темурнинг борлигига нур югургандай бўлди, кўнгли ёришгандай ёришиб кетди! Мана шу Муҳаммад Султон — ўглининг ўғли... Ана, отасига ўхшаб турибди, қошлари, лаблари, бурунчаси, манглайи — бари худди ўзи!.. Бас, ўглининг номи ўчмайди, изи йўқолмайди! Валиаҳднинг ўғли валиаҳд бўлгусидир!

Амир Темур меҳр билан юзини оҳиста набирасининг момикдай юзларига босганча бир лаҳза жим қол-

ди. Ундан кейин ҳеч ким, мана шу Темурбекнинг ишлари бир юришиб кетсун, Турон мамлакати гуллаб-яшнасун, деб бизга меҳрибончилик кўргизмайдур. Ҳеч қачон! Аксинча, иложининг борича халал етказадурлар, тўсқинлик қиладурлар. Юрт ичида тескарчилар бор, бузғунчи унсурлар кўп... Улардан фойдаланадилар. Бас... Шимолий чегараларни мустақамлашимиз даркор, бизга йўлдошу кўлдощлар керак. Шу маънода Тўхтамиш ўғлон келишига умидлар боғлайдурмен, опахоним!.. Барчаси суннати Аллоҳдандур, албатта...

— Жўжи улуси шаҳзодаси қошингизга келаётган эмишму? — Қутлуг Туркон оқа гарчи бундан хабари бўлса ҳам, билмагандай сўради.

— Ҳа, Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзанди Тўхтамиш ўғлон шундоқ истак билдирибдур...

— Соҳибқирон узун кўлларини кўрпа остидан чиқариб сандал устига қўйди. — Дашти Кипчоқ томондаги вазият мамлакатимиз учун жуда ҳам муҳимдир. Жўжи улуси бизга дўст эрмас... Ва улар бизларни ёқтирмайдурлар, чунки юз эллик йилдан бери бу юртни Чингизхон авлодлари бошқардилар, уларнинг фикрича, шундоқ давом этабермоғи лозим эди... Энди эса қандайдир шухрат таратмағон бир бекнинг ўғли Турон элига эгалик қилиб турибдур... Ана шу салтанат тизгинини ўзимиз қўлга киритганимизга чидай олмай-

нимлар ақди никоҳини "салтанат хужжати" деб атаган эдилар... Агар Самарқандга келганига уч йилдан ошаётган бўлса, "Ана, яна Юсуф Сўфи жанг қилибди!...", "Тагин Хейвақни гораг этибди-да", "Бухорони босибди!..." қабилдаги пана-пастқамлардан отилган ҳар хил дашномлардан қулоғи бўшамади, хоразмшўнинг ҳам босқинлари тўхтамади... Икки салтанат ўртасида илқилик пайдо бўлишни дил-дилдан истаган малика бунинг учун нималар қилиш лозимлигини ўйлаб ўйга етолмайди...

— Назаримда, Хейвақ билан Котга чопкун уюштириш Юсуф Сўфининг иши эрмас... — сўзга аралашди Қутлуг Туркон оқа оҳиста Сароймулкхоним ёнида кўрпа жияқларини ўйнаб ўтирган Хонзода хонимга бир қараб кўяр экан. — Ахир шундай қилса, у қудасига қарши борган бўлади-ку! Қариндошга қилич кўтарган бўлади-ку, Темурбек? Буни худо кеҳирмайди!

— Шубҳасиз, хоразмшўх ундай йўлга юролмайди, — эгачини сезилар-сезилмас қўллаб-қувватлади Сароймулкхоним...

Бонуйи кубро билан маҳди улё шундай дер эканлар, Юсуф Сўфи ҳақидаги адолатни айтиш эмас, балки кўпроқ малика Хонзода хонимни ёлғиз қолдирмаслик, унга, биз ёнингиздаимиз, соҳибқирон гапирсалар қудаларидан ўпка қилиб гапирядилар, яқин кишидан ўпка қилинади-да, буни тўғри тушунигиз, дейишмоқчидай эдилар.

Амир Темур бирдан бошини эгиб, худди амакиси қилаётган чопкунлар учун жавобгардай ўтирган Хонзода хонимга қаради, унинг руҳан эзилаётганини кўриб, шу ҳақда сўз очганидан ичида койинди. Вазиятни ўнглаш лозим эди. Аммо қариндошчилик, қуда-андачилик бошқа, давлат муносабатлари бошқа... Ўртадаги рангларнинг хилма-хил товланишларини ўзгартириш жуда қийин. Касални яширсанг иситмаси ошқора қилади, деганларидай, пинҳон тугиб бўлмайдурган нарса. Ахир жуводлизи қопнинг ичида ҳеч сақлаб бўладими!

— Хонзода хоним, қизим... Ўғлим ўрнида ўғлим... — деди Амир Темур. — Унинг кўнглини хамиша авайлаб келамен... У менинг дилбандимдур, юрагимнинг бир парчасидур, тобакай тирик эканмен, қўлим унинг ёруғ манглайини силашдан, тилим беъмисл ақлу идрокини мақташдан, кўзим кўрку хуснини кўриб қувонишдан асло толмайду! Озор кеҳдириб қўймамен. Асло! Билсунларким, Хонзода хоним Амир Темур хонадон муртазойи муқаррама маликаларидандур ва шундай бўлиб қолгусидир!..

— Аллоҳ умрингизни зиёда қилсун, ҳазратим!.. Талеимизга дунё тургунча турингиз, илоҳо!

Хонзода хоним шундай дегач, шарт ўрнидан туриб тавоф айлаб соҳибқирон қўлини ўпди... Амир Темур қизалогини эркалаб бағрига олган отадай малика бошини оҳиста кучиб ўзига тортиди... Бонуйи кубро билан маҳди улё, Муҳаммад Чурога додхо, ундан нарида Муҳаммад Султонни кўтариб олган Холдона биби ва Окқизлар Амир Темурнинг катта-катта қўзлари ёшга тўлганини, икки томчи ёш маликанинг бошига томиб тушганини кўриб турардилар. Валинеъматининг бағрига бош қўйган Хонзода хоним ҳам унсиз йиғлар эди... Эй, дунёи бевафо!.. Шу топда Амир Темурнинг ҳам, Хонзода хонимнинг ҳам кўнглиларида тугён урган армонларни, малика учун суюкли ёридан айрилиш, соҳибқирон учун ишонган тоғидан жудо бўлиш ҳасратларини таърифлашдан... — бу бағоят мушкул юмуш эканлигидан, — ўзимизни тиямиз.

Муҳаммад АЛИ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СОҲИБҚИРОН КЕЛИНИ

("Улуг салтанат" тарихий романининг
иккинчи китобидан парча)

ди... Соқол санчилганидан безовта бўлган мурғаккина уйку аралаш тамшанганча ингранди-да: "Роҳатимга халал бераётган ким у?.." дегандай, бошини бир-икки қимирлатиб қўйди...

Қутлуг Туркон оқа болани соҳибқирон қўлидан олар экан, бола тилидан сўзланди:

— Хуш кейибсиз, бовожон! Сизни йуда соғиндим... Мени қачон жангга обоясиз?.. Мен жангга тайёйман. Тайёйман!.. Фақат энагам йўйгагимни кўйқулаб қўйсайай бўйди...

Ҳамма хандон отиб кулиб юборди. "Оббо, уни қаранлар-а!", "Жангга тайёй эмиш!..", "Йўрғагини қуруқласа бас эмиш!" қабилда сўзлар эшитилди. Хонзода хонимга ҳам нашъа қилди, у овозсиз озгини беркитиб куларди. Кулги садолари орасида Муҳаммад Чурога додхоҳнинг йўғон овози ажралиб турарди.

— Хўп, хўп, пахлавон! Жангга бояясиз! Жангга бояясиз... — чақалоққа тақлид қилиб деди Амир Темур кўзларидаги ёшларни артар экан. Сароймулкхоним эгачидан болани олди-да, бир ўлиб Хонзода хонимга узатди. Окқиз, бирор кўмак керак бўларми дея, ўша ерга шошилди. У гўдакни кўрмоқчи бўлиб дамба-дам бўйинини чўзар эди. Малика ўғилчасини бағрига босганча авайлаб ёпинчигини ёпиб қўйди, кейин нарироқда кутиб турган энага Холдона бибага берди...

Меҳмонлар устида ҳамма нарса муҳайё башанг дастурхон эзилган сандал атрофига, шохи кўрпачаларга ўлтирдилар. Соҳибқирон сандал устига ёпилган жияқлари баркут гулдор кўрпа остига оёқларини узатар экан, жони сал ором олгандай бўлди, танчадаги ўт ҳарорати зирқираб оғриб турган ўнг оёғи, ўнг қўлига бағоят хуш ёқарди.

— Мўғулистон томонларда қиналмадингизму, Темурбек? — сўради Қутлуг Туркон оқа мийғида табассум билан.

— Ёғийни қочирдик... Мақсудимиз ани тутмак, бирварақайига ид-

дурлар. Ундан кейин ҳеч ким, мана шу Темурбекнинг ишлари бир юришиб кетсун, Турон мамлакати гуллаб-яшнасун, деб бизга меҳрибончилик кўргизмайдур. Ҳеч қачон! Аксинча, иложининг борича халал етказадурлар, тўсқинлик қиладурлар. Юрт ичида тескарчилар бор, бузғунчи унсурлар кўп... Улардан фойдаланадилар. Бас... Шимолий чегараларни мустақамлашимиз даркор, бизга йўлдошу кўлдощлар керак. Шу маънода Тўхтамиш ўғлон келишига умидлар боғлайдурмен, опахоним!.. Барчаси суннати Аллоҳдандур, албатта...

— Худо ёрингиз бўлсун! Тилагимиз юртимиз тинч бўлсун, ишқилиб... ҳам ўзингизга қутиёт бўлингиз, Темурбек!


— Аллоҳ ўз паноҳида асрасун!... — қўшилди Сароймулкхоним.

— Қуллук... Мана яқинда хабар етдики, қариндошимиз хоразмшўх Юсуф Сўфи Кот билан Хейваққа яна чопкун уюштирибдур... — деди ғижингандек Амир Темур.

Сароймулкхоним хайратда Қутлуг Туркон оқага қаради. Бу қарашда: "Ҳазрат Хоразм ҳақида гапириб юбордилар-ку... Сал сабр қилсалар бўлармиди... Бунга Хонзода хоним қандай қарайди энди?... Шўрлик келинимиз ўз дарди билан ўзи эзилиб, азоблар тортиб юрибди-ку?.." деган маъно яширган эди. Хонзода хоним эса хотиржам ер тагидан соҳибқиронга қараб турарди...

Малика бунга ўрганиб қолган. Амакиси Юсуф Сўфининг қайинотаси валинеъмати Амир Темур Кўрагон билан таранг муносабатларини ўйлаганда ҳамиша шўрлик маликанинг юраги қон бўлади... Нега энди икки хукмдор келиша олмайдилар, муро-са отини тутмайдилар? Ахир шунинг учун қуда-андачилик ришталари билан бир-бирларига боғландилар-ку!.. Оҳ, бу қандай қисмат эканки, суйганига тегиб бахтли бўлолмас, икки салтанатни шешу ақрабога айлантиришда хизмат қилиши керак бўлган тўйи ҳақи роҳатини туюб улгурмай азага айланса!.. Амир соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хо-

Давоми кейинги сонда.



ДУШАНБА, 12

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлинома»
8.45, 17.55 ТВ маркет
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»...

17.10 «Спорт-антракт»
17.20 Махрурлар А.Николаев
17.50 «Клон». Серил.

30-канал

16.55 64ча профактивна шашари
16.55 Ойроқчи программаси
17.00 «Детский час»
17.20 «Теле-хамкор»...

21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
21.15 «3 тайм»
21.45 Жаҳон спорт: «Проф-Рейтинг»...

ТНТ

4.55 «Персей» М/ф.
5.15, 18.30, 23.30 Москва, инструкция по применению
5.40 «Магилл» М/ф...

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 «Янгилар»
10.05 «Рангин дунь»
10.25 «Бор экан-да, йўқ экан»...

30-канал

12.00 «Теле-хамкор»
12.05 «Муслим» М/ф
12.30 «Глобальные новости»...

9.00 «Болалар спорт»
9.15 «Шоуволлар» Мультсериал
9.35 Жаҳон халқлари уйналари...

ТВ-3

7.30 «Победоносный год»
8.00 М/с «Ураганчики»
8.30, 15.00 Х/ф «Улыбка Мелометы»...

9.00 «Сегодня утром»
9.25 «Без репутации»
9.55 Профессия - репортёр...

ТНТ

4.55 Мультфильм
5.15, 18.30, 23.15 Москва: инструкция по применению
6.05 «Глобальные новости»...

17.00 Регионы: прямая речь
17.30 Идушие вперед
18.00 «Поместные Намчери»...

ТВ-3

7.30 «Победоносный год»
8.00 М/с «Ураганчики»
8.30, 15.00 Х/ф «Улыбка Мелометы»...

17.00 «Ташкент»
17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Белибика пул»...

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет
8.40 «Газеталар шарҳи»...

18.00 «Синий троллейбус»
18.20 «Синий троллейбус»
18.40 «Синий троллейбус»...

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет
8.40 «Газеталар шарҳи»...

«Ўзбекистон» телеканал

17.00 «Хангома»
18.40 ТВ клип
18.45 «Мулдор»
19.00 «Бахтилик воқеа»...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05 Комедия «Ширли-мирли»...

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тоғ»...

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тоғ»...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05, 20.00 «Улицы разбитых фонарей»...

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тоғ»...

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тоғ»...

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тоғ»...

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тоғ»...

«Ёшлар» телеканал

17.30 Курсатувлар дастури
17.35 «Давр» ҳафта ичида
18.05 ТВ-анонс
18.10 «Янги авлод» студияси...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45, 8.50 Филм «Укрощение огня»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести...

ТВЦ

6.45 «Настроение»
9.45 «Дорогие мои москвичи»
12.00 «Вести»
12.15 Телеканал «Дата»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТВДа сериал «Луиза Фернанд»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»...

Давоми 5-бетда.

Охири. Боши 4-бетада.

нет

2.30 Сернал «Мертвая зона»

4.05 «Страсти по-мексикански»

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия»

5.45, 17.55 Сернал «Небо и земля»

6.50 «Короткое замыкание»

7.45, 10.50, 13.30, 20.20, 1.45 Вести. Дежурная часть

8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести

8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва

9.50 «Что хочет женщина?»

9.50, 19.00 Сернал «Ключи от бездны. Операция «Голем»

11.30 «Настоящая жизнь»

12.30 Детектив «Пуаро Агаты Кристи»

14.10 Сернал «Крот»

15.05 «Комиссар Рекс»

16.00 Сернал «Закон»

17.50 «Спокойной ночи, малыши»

20.00 «Вести+»

20.20 Фильм «Один день в сентябре. Ответный удар»

23.55 Детектив «Убийство на Ждановской, 1992г.»

23.55 «Синема»

23.55 «Дорожный патруль»

0.10 «Агентство одиноких сердец»

0.35 Сериал «Восьмь рассказов»

1.15 «Навеки Джунгли»

Телесериал.

НТВ

5:00 Утро на НТВ

7:45, 19:45 Сернал «Пятый ангел»

9:00 «Сегодня утром»

9:25 «Кулинарный поединок»

10:20 «Страна советов»

11:00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»

11:30 Сернал «Двое и одна»

13:15 «Время есть»

13:35, 17.35 «Протокол»

14:35 «Принцип домоно»

16:30 Сернал «Дальнобойщики»

18:40, 22.45 Сернал «Мур есть мур»

21:30 «Красная стрела»

21:40 Сернал «Детектив Раш»

24:00 «Страна и мир»

ТВ-3

7.00 «Победоносный голос верующего»

8.00 М/с «Ураганич»

8.30 Х/ф «Улыбка Мелодии»

10.30 Х/ф «Неуловимые мстители»

12.00 Х/ф «Коммерс»

14.25 Гомеопатическая аптека Доктор-Н

14.30, 19.00 «Борьба за цивилизацию»

15.00 Х/ф «Человек родился»

17.00 Х/ф «Синий тигр против жука»

19.30, 2.30 «Великие иллюзии. Истории фокуса»

20.00 Х/ф «Новые приключения неуловимых»

21.30 Х/ф «Заложники дьявола»

24.00 Телесериал «История о привидениях»

24.30 Х/ф «Последняя миссия»

3.00 «Кунсткамера»

ТНТ

4.55 Мультфильм

5.15, 18.30, 23.05 Москва: инструкция по применению

5.40 «Маугли». М/ф

6.05 «Глобальные новости»

6.10 «Эй, Арнольд!»

6.40 «Ох, мультики!»

7.05 «Ох уж эти детки»

7.30 Полезные советы

7.45, 12.30 ТВ-клуб

8.00 «Звездный диск»

9.00 «Семейство приключений»

11.10 «Губка Боб Квадратные штаны»

11.35 «Дикая семейка Торнберри»

12.05 «Крутые боьры»

13.00 «Обед с Дискавери»

14.00 «Шоу Бени Хилла»

14.30, 18.00 «Макшишоу»

15.00, 20.00, 23.05 Реалити-шоу «12 негритят»

16.00 «Окна»

23.40 Цена любви

21.00 «ТНТ-комедия»

Кевин и Перри улыбаются

22.15 «Отлар сузи»

23.15 «Ахборот-дайжест»

23.35-23.40 Ватан тимсоллари

СТС

7.00 «Приключения черного мустанга»

7.30 Мультфильм

8.00 «Приключения Вуди и его друзей»

8.30, 19.00 «Осторожно, модерн-2»

9.00, 21.00 «Бедная

Настя»

10.00 Детали утром

10.30 Кино «Мушкетер»

12.30 Комедия «Несчастия вместе»

13.00 «Зена - королева воинов»

14.00, 20.30, 2.10 Истории в деталях

14.30 Комедия «Гарри и Хендерсоны»

15.00 Мультфильм

15.30 «Скуби и Скраппи»

15.55 «Озорные анимашки»

16.25 Веселые мультфильмы

17.00 Комедия «Тайны Смолвиля»

18.00 Комедия «Чудеса науки»

18.30 Комедия «Сабрина - маленькая ведьма»

18.55 «Улицы разбитых фонарей. Фильм 3»

19.00 «Улицы разбитых фонарей. Менты 3»

22.00 Кино «Принц Веллингтон»

24.00 «Секс в большом городе»

24.40 Детали

25.35 «Закон и порядок. Специальный корпус»

Х/ф

3.20 «Шина - королева джунглей»

4.05 «Секреты семьи Арно»

4.45 «Охотники за древностями»

Х/ф

ТВЦ

6.45 «Настроение»

9.35 Газетный дождь

9.45, 20.55 «Тайный знак»

10.45, 21.55 «Сезон охоты»

11.00 Телемагазин

12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.20 События

12.30 «Сегодня»

13.00 Песенные часы

13.40 Доходное место

13.50 Квадратные метры

14.05, 1.00 Петровка, 38

14.25 Деловая Москва

15.15 «Инспектор Кресс»

16.20 Фантази «Вемпиды»

16.00 Мода pop-stop

17.00 Регионы: прямая речь

17.30 Ступеньки

17.00 «Поместие Нанчуров»

19.15 Русский век

20.00 «Страсти по Солломе»

20.50 Пять минут деловой Москвы

23.40 «Версты»

24.30 Времечко

1.45 Музыкальный серпантин

2.00 Сернал «Принцесса Мария Бонапарт»

4.45 «Синий троллейбус»

ПАЙШАНБА, 15

«Узбекистон» телеканал

6.00 «Ассалому, Узбекистон»

8.00-8.35 «Ахборот»

8.35 ТВ маркет

8.40 Газетлар шархи

«Болалар сайрабаси»

9.00 «Балликнинг мовий осмони»

2. «Кизилари учрашувлари»

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 Анифбо сабоқлари

10.25 «Сирли сураи»

Бадий фильм

11.50, 13.50 ТВ клип

12.05 «Парламент вақти»

12.25 ИВБ «Осиё юлдузлари» ансамблининг концерти

12.45 «Харакада баракат»

13.00 «Кавинтон Кресс»

14.10 «Журналист такли»

14.30 Кундузи тахсил: «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон»

15.00 «Балликнинг мовий осмони»

15.45 «Парле во франсе»

16.05 «Дунб бўйлаб»

«Болалар сайрабаси»

16.25 «Чек»

16.50 «Теленовела»

2. «Цирк, цирк, цирк»

17.45 «Яхшилар ёди»

17.55 «Харити»

18.00 «Халқаро шарх»

18.10 «Тайлим ва таракхийи»

18.30 Бир жудт кўйиш

18.40 «Узинги, уз уйинги узинг асри!»

19.00 «Маскул суз»

19.20 «Детский час»

21.00 «Эйнлар»

19.30 «Ахборот»

20.00 «Окшом эртаклари»

21.05 Телемулоқот

21.45 «Назм ва наво»

Машраб лирикаси

22.15 «Отлар сузи»

23.15 «Ахборот-дайжест»

23.35-23.40 Ватан тимсоллари

«Ешлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури

7.00 Давр

7.25 ТВ-анонс

7.30 «Мунаввар тонг»

7.40 «Удар молни»

7.50 «Узунг намонгил»

8.30 «Янги авлод» студийси: Ок кабулар

8.50 ТВ-анонс

8.55 Икким

9.00 Давр

9.25 Тонги сернал: «Жиз ва Вустер»

10.00 «Калпоқ хангомалари»

10.30 «Жалолитдин Хоразмшоҳ»

Телесекс-такли в деталях

11.30 ТВ-эдоқот

Телесериал (акунлович кирил)

12.35 Ешлар овози

12.55 Минг бир ривоят

13.00 Давр

13.10 ТВ-анонс

13.15 Муслик лалзаллар

13.25 Боллар учун мультсернал: «Шукре ва Байта»

14.55 Чепмон сирлари (рус тилида)

14.10 Спорт-китхаси (рус тилида)

14.30 Тенгдошлар

15.20 «Табобат амбаби»

14.55 Сийрат

15.15 «Узбектеле» фильм-студийси намойиши: «Кушлар»

15.35 Автопарклар

15.55 ТВ-анонс

16.00 Давр

16.10 «Табриклаймиз-кутайлими»

Бадий фильм

17.35 ТВ-анонс

17.40 Курсатувлар дастури

17.45 «Янги авлод» студийси: Шоҳсула

18.05 Кафолат

18.20 «Табобат оламида»

18.45 ТВ-афиша

18.50 Олтин мерос

18.55, 21.55 Икким

19.00 Давр

19.35 «Давр» интервью

19.50 ТВ-анонс

19.55 «Сосом» хабарлари

20.00 Муслик лалзаллар

20.10 Ешлар овози

20.30 ТВ-эдоқот

20.35, 21.25, 22.35 Эйнлар

20.40 «Ясон ва агронавтлар»

Бадий фильм

21.50 Олтин мерос

22.00 Давр

22.40 ТВ-анонс

22.45 «Иакувар»

Комедия

0.15-0.20 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби

17.20 ТТВда сернал: «Луиза Фернанда»

20.50 «Табриклаймиз-кутайлими»

17.55 «Хорик хабарлари»

18.00, 20.50 «Экспресс-телегазетаси»

18.15 «Навхилол»

18.30, 20.00, 21.35, 21.55 «Пойтахт» ахборот дастури

18.50 «Табриклаймиз-кутайлими»

19.10 «ТТВда сернал: «Бибилка пул»

20.20 «Аёллар салтанати»

21.05 «Тенгдошлар»

21.55 «Бурч ва масъулият»

22.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИМ
ДОМО БУЛАДИ...

• Бир ёлгончи ва бехуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

**«Мажастий» бирла
«Ўқлидис» билурман,
Бу фан бобида юзни
мот килурман.**

Замона саҳифасида ва зами-ну осмон тергасида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзларимга аёндыр!

Унинг бехуда ва паришон ахволдан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд-пастга учма, ёлгончилик кўйига тушма! Узоққа бориб юрмайлик, айтчи, иягингдаги соқолинг толаси нечта?»

Байт:

**Бехуда гапларни
гапирса киши,
Гапидан ортажақ
бошда ташвиши.**

• Бойлиқнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингичи очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

**Эшитдимки, жамшид —
соҳиб олам,
Чашмадаги тошга ўтириб
шу дам,**

**Деди: «Кимлар бунда
ўтирган шодон,
Аммо, кўз очмайин
бўлгандир вайрон!»**

• Барзу ал Ҳаким айтди:

— Беш киши, беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотади. Биринчиси, зурур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балага мубалога бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан гофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли, покдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

• Яна Барзу ал Ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарсалар бори, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир.

Масалан, мурувват ақлга, рой ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

• Бир ҳақимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги, учун душманни ҳадеб эза-верма, пайт пойлаб, жонидан тўйғач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлгончи эканлигини билиб туриб, айтган гапидан жон бордир деб ўйлаб, унинг галига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик кунни келиб ўзинга қайтишни эсдан чиқарма!

• Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, беғуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, тақлиф этил-маса ҳам ўтиришда тўрға чиқишга интилган киши. Учтинчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

КОРХОНА ФАОЛИЯТИГА
БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтдаги «Юнитех» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мазкур қўшма корхона мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация муҳитини замон талаб даражаларига олиб чиқиш ҳамда соҳага илгор технологияларни жалб этиш мақсадига ташкил этилган. Ҳозирда аҳолига телефон ва интернет карточкала-

ри орқали хизмат кўрсатаётган бир қатор компаниялар мавжуд. Корхонанинг бошқа компаниялардан фарқли томони шундаки, битта карточкадан ҳам телефон, ҳам интернетда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, миждозлар хизматлардан 39 фоизга-

ча чегирма нарҳда фойдаланиш имко-ниятига эга.

Корхонанинг икки йиллик фаолиятига бағишланган матбуот анжуманида таъкид-ланишича, компаниянинг республикамиз-да 200 дан ортиқ савдо шохобчалари мав-жуд. Келажақда бу кўрсаткичлар икки ба-робарга кўпайиши режалаштирилмоқда. Корхонанинг бош мақсадларидан бири фойдаланувчига сифатли телефон алоқа-лари ва тезкор интернет тармоғидан им-тиёзли нарҳларда фойдаланишларида қулайлик яратишдан иборат.

Инобат ЭҒАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ЎЗИМИЗ ТАРТИБГА КЕЛТИРАЙЛИК

Тўққиз қаватли бино олдига кимдир ахлат тўкиб ке-тибди.

— Бу кимнинг иши? Ахир тўрт қадам нарида махсус ахлатхона турганда боришга эриниб шундоққина уй рўпа-расига ахлат ташлаб кетишларини қаранг, — тажанг бўлди шу уйда яшовчилардан бири ишга шошилиб бораётди.

Эртасига қараса, ўша қўлбола ахлатхона яна катталаш-ди. «Ҳашарчилар» кўпайибди чоғи. Олди олинмаса бўлмайдиган кўринади. Бу ҳақда маҳалла оқсоқолига хаб-бар қилинди.

— Ўзингиз яшаётган уй бўлса, бу номаъқулчиликни ким қияпти, ўларингиз кузатсаларингиз бўлмайди. Шун-га ҳам мен бориб одамларни тўплаб, тушунтириш ўтқа-зишимиз керакми? Ахир бу ишни қиладиган уй боши-лиги борку ўларингизда.

У бунга, буниси унисига солди. Сансалорлик оқибати-да ахлатхона тобора катталашаверди. Бир-иккита жонку-ярлар ҳам унга-бунга айтиб, чорасини тополмагач, «Бор-ей менга нима» дедиларда ишни ўз холига ташлаб қўйди-лар. Бора-бора ахлатхона йириклашиб, энди ундан та-ралаётган ноҳуш ҳидга чидай олмайдиган бўлишди.

Ҳар кунни кўшчилар ўртасида жанжал.

— Кўшни уйдагиларга айтинг, шу ерга ахлат ташлаш-масин.

— Бу гапни ўзингизникидагиларга айтинг, ҳар кунни кузатаман, қизингиз ҳеч уялмай челақдаги ахлатни шу ерга ағдаради.

— Тунов кунни сизнинг ҳам аёлингиз чиқиндиларни шу жойга тўкаётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Ахлатхонанинг доврғи туман ободенлаштириш бош-қармасигагача етиб келди.

— Ёрдан беринглар, — дейишди ўша уйда истикомат қилувчилар. — Ахлатхонани йўқотмаса бўлмайди. Қачон-гача чивинларга таланамиз?

— Ахлатхонани йўқотиш ҳеч гап эмас, — дейишди обо-

бир аёл чиқди.

— Ким бўласан, ярим кечада нега бизни безовта қила-сан? — деди ўшқириб.

— Мен мусофирман, йўлим олис, имкон бўлса бир кеча шу ерда тунасам, — дея илтимос қилдим.

— Менинг сен билан ҳеч қандай ишим йўқ. Ҳозир келган ерингга жўна, — дея мени ҳайдаб солди. Шу пайт ичкари-дан аёлнинг эри чиқди. У хотинидан.

— Ким экан? — деб сўраган эди хотини.

— Мусофир экан, жой сўраб келибди, — деди.

Эри менга:

— Хўш келибсиз, меҳмон, бемалол кираверинг, марҳа-мат, — дея ичкарига тақлиф этди. Кейин мени яхшилаб зиёфат қилди. Шу орада мен кула-кула кечаги воқеани айтиб, мени уйдан ҳайдаб чиқарган киши ҳақида гапириб бердим. Шунда у менга:

— Ҳеч ажабланарли жойи йўқ, кеча кўноқ бўлган уйин-гиздаги аёл ва унинг болалари менинг синглим ва жиян-ларим бўлади. Ўша аёлнинг эри эса ҳозир сизни эшик та-гидан ҳайдаб солган хотинимнинг акаси бўлади, — деб жавоб берди.

Ҳикояни тинглаб бўлгач даврадагилардан кимдир «Ўхшат-магунча учратмас», деганлари шу бўлса керакда, деб қўйди.

КЕП ҚОЛИНГ, ЕБ ҚОЛИНГ

Эрталаб ишга отланаётганимда аёлим: «Бугун Наимахон-ларникида йиғин бор-а эсингиздами, эртароқ қайтинг. Кели-шингизда ул-бул олиб келарсиз. Қуруқ қўл билан кириб бор-са бўлмас», деб қолди.

Тўшдан кейин қайтишимда рафикаминг буюртмасини ба-жариш учун бозор ораладим. Ичкарига киришим билан сомсачилар бир зумда атрофимни ўраб олишди.

— Кеп қолинг, сомсангиз додасига.

— Мана биздан олинг, ичи тўла фирч мой бўлмаса пул тўла-манг.

— Кеп қолинг, еб қолинг. Қўй гўштию, қўй ёғидан тайёр-

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

донлаштирувчилар. — Лекин бу иш биз томондан бажарил-са баъзи ишқамслар шунга ўрганиб қолишади-да биз тўкаверамиз, улар тозалаб кетаверишади», деган хаёлга боришади. Агар ўша уйдагилар ҳам бўлиб бу ишни ҳашар йўли билан амалга оширсанглар, бунинг натижаси са-маралироқ бўлади. Бели орғиб пешона тер тўкиб бу ишни бажарган киши иккинчи марта бундай номаъқул-чиликка қўл урмайди.

Шундай қилишди. Ахлатхонани ҳашар йўли билан то-залашди. Оқсоқол бошчилигида ахлатхона ўрнига 10-15 туп мевали дарахтлар экилди. Бугун улар куртак барг чи-қариб атрофга файз киритиб турибди.

Шундай азизлар, ўзимиз тўзатдикми, ўзгалардан ўпқа-ламай, юқори ташкилотларга ёрдамга чопмай, ўзимиз тартибга келтиришга ўрганайлик. Ана шундагина ўша но-мақбул қилмишимизни тушуниб, уни такорламасликка ҳаракат қиламиз.

ЎХШАТМАГУНЧА УЧРАТМАС

Даврада меҳмондўстлик, хасислик, меҳр ва оқибат, одамийлик ҳақида баҳс борарди. Биродаримиз Аҳмад ҳожи ота: «Тортишманглар, яхсиси мана бу ибратли ҳикояни эшитинглар», дея диққатимизни ўзига қаратди.

— Ҳаж сафаридан бир киши билан танишиб қолдим. У менга қизиқ бир воқеани айтиб берди.

— Сафарда кетаётиб адашиб қолдим, — деди ҳамро-ҳим ҳикоясини бошлаб. — Бир уйга етиб келиб тун бўлган-ни учун тунаб қолмоқчи бўлдим. Хонадон соҳиб би-р ёққа кетган бўлиб уйда хотини ва бола-чақалари бор экан. Улар:

— Келинг, меҳмон, хизмат? Сизни бироз танимайроқ турибмиз, имкон бўлса ўзингизни таништирсангиз, — деб сўрашди.

Мусофирман, адашиб қолдим, — дедим мен.

Аёл ва болалари мени уйга тақлиф қилишди. Бир зум-да олдимга дастурхон ёзиб хилма-хил таомлар келтириб қўйишди. Овқатлариб ўтирсам уйнинг хўжайини — аёл-нинг эри келиб қолди. Мени кўриб болаларга ўшқира кетди.

— Бу ким?

— Мусофир экан адашиб қолибди, — дейишди улар.

— Менинг у билан ҳеч қандай ишим йўқ. Айтинглар ҳозир жўнаб кетсин.

Бошқа гапга хожат йўқ эди. Тун бўлишига қарамай, ўша хонадонни тарк этдим. Йўл юриб эртасига тунда яна бир хонадон эшиги олдига тўхтадим. Ночор эшикни қоксам,

ланган.

— Мақтаётган сомсангизнинг донаси неча сўм ахир? — сўрайман сотувчидан.

— От билан туя бўлармиди ота. Сизга 150 сўм.

— Тўғриси айтинг. Сомсангизнинг ичи тўла пиёз эмас-ми, ишқилиб?

Сотувчи дарҳол битта сомсани қўлига олиб, уни иккига бўлди-да, ичидаги масаллигини кўрсатди. Чиндан ҳам сомса сифатли, харид қилса арзигулик эди. Бир йўла ундан йигир-матасини олдим.

— Келиб туринг, ота, — деди пулни санай туриб сомса-паз. — Кўрасиз, ҳали менинг энг яқин миждозим бўлиб қола-сиз. Кейинги сафар ўзингиз қидириб келасиз...

Йиғинда дастурхонга биринчи бўлиб биз олиб келган сомсани тортишди. Ҳаммамиз ундан битта-битта олиб, тановул қила бошладик. Бошқаларни билмадим, менинг қўлимдаги сомса ичидан гўшт ўрнига нуқул пиёз чиқди. Сомсапаз кўрсатгани бошқа, буниси бутунлай бошқа эди. Ёнимдаги шеригим сомсанинг ярмини еяр-емас дастурхон-га қўйди. Ўтирганларга қарасам, уларнинг ҳам иштаҳаси ўз-ўзидан сўна бошлапти.

— Ҳозирги сомсапазлар ҳам устаси фаранг бўлиб кетиш-ган-да, — деди меҳмонлардан бири қўлидаги яримлаган сомсага қараб туриб. — Ичида гўшт деган нарсаси йўқми-яй, ёғ ўрнига ҳам пиёз тикиштирибди, барака толгур.

Бу гаплардан мулзам бўлсам-да ўзимча, хайриятки, ушбу номи тилга тушган сомсани мен келтирганимни ўтирганлар билишмайди-ку, деб ўзимга ўзим тасалли бераман. Бари-бир, нима бўлганда ҳам сомсапаз тушмагур одамни ҳижолат-га қўйди. Ўтирганлар-ку билмас, лекин хонадон эгаси ярим-ёрти ейилмай қолган сомсаларни кўриб, ҳарқалай бизга раҳ-мат айтмас.

Эртасига сомсапаз айтгандек «миннатдорчилик» билдириб, икки оғиз «ширин сўз» айтиш учун уни қидириб бордим. Аф-суски, у бугун жойида йўқ эди. Ён-атрофдагилардан сўрасам:

— Э отахон, бу ерга кимлар келиб кетмайди дейсиз, катта бозор бўлса, уларнинг ҳар бирини ким сўраб-суриштириб ўтиради. Бордию сизга ёғлик сомса керак бўлса, мана ўзи-миздан харид қилаверинг, — деди сотувчилардан бири.

Шу пайт бирдан атрофимни сомсапазлар аридек ўраб олишди. Уларга раҳмат айтиб, даврдан аранг чиқиб олдим.

Бордию сизга ҳам зарурият туфайли сомса керак бўлиб қол-са, шошилманг. Танлаган сомсангиздан аввал бир йўла икки-тасини тановул қилиб, қолганлари ҳам шунча сифатли экан-лигига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин сотиб олинг.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

12-18 апрель

Бу — кизик

БАШОРАТ ҚИЛИНГАН ҲАЛОКАТ

1912 йил 14 апрелда, кеч оқшомда рўй берган фежа инсониятнинг хотирасидан бутунлай ўчмас керак. Шу кунни жаҳондаги энг улкан кема «Титаник» сузувчи муз тоғи билан тўқнашиб 1500 йўловчиси билан Нью-Фаунд Ленд ароли яқинида уммон тубига чўкиб кетган эди. Ушбу даҳшатли денгиз ҳалокатининг сирларини аниқлаш ҳали ҳам давом этмоқда. Турли касб эгалари турли тахминларни баён қилишди. Улар орасида фақат адабиётчилар йўқ эди, холос. Яқинда Скандинавия давлатлари орада чиқадиган «ЭКС» журнали бу бўшлиқни тўлдирди.

Маълум бўлишича, 1898 йилда АҚШда Моргае Робертсоннинг «Изчиллик» деган қиссаси босилиб чиққан экан. Унда муаллиф тасвирлашчи йўловчилар жуда улкан, мисли кўрилмаган, «Титаник» номи кемада дунё бўйлаб сафарга чиқадилар. Бу «Титаник»нинг ҳам худди «Титаник» каби Англиядан янги дунё бўйлаб илк сафари бўлади. У ҳам муаллиф таъкидлашчи, соатига 25 узел тезлик билан сузади. Икки кеманинг ўхшаши бу билан тугамайди. Сира ҳам чўкмайди деб эълон қилинган «Титаник» айнан ўнг ёнбоши (борти) билан муз тагига урилади. Кема экипажи ваҳимага тушади. Йўловчиларни қутқариш, шлюпкаларни сувга тушириш ўрнига эсанкираб қолишади ва «Титаник» мингдан зиёд одами билан худди «Титаник» гарқ бўлган жойда чўкиб кетади.

«Титаник»ни денгиз тўлқинлари ютиб юборганидан 23 йил ўтган яна бир ўхшашлик барчанинг диққатини ўзига тортди. 1935 йилда Вильям Ривз капитанлик қилган Британиянинг юк кемаси ҳам муз тоғларига йўлиқди. Капитан кемани мўъжиза билан қутқариб қолди. Лекин муз тоғлари унинг ўнг ёнбошини пачоқлашга улгурди. Ходиса, албатта, унутилиб кетиши мумкин эди. Лекин ўртада икки ҳолат борлиги сабаб у ҳам тарихда қолди: аввало Ривз бошқарган кема «Титаник» деб номланган, иккинчидан улдабурон капитан 1912 йил 14-апрелда туғилган экан!

Энди беихтиёр бир савол туғилади: «Титаник»нинг ҳолати башорат қилингани тасодифми?



Кўй (21.03. — 20.04) — Бу ҳафта ҳаётингизда катта ўзгаришлар бўлмайди. Бироқ қариндошларингиз билан боғлиқ муаммолар ташвишга солади. Қўтилмаган чикимлар оқибатида танг аҳволга тушишингиз мумкин.



Бузок (21.04 — 21.05) — Ушбу ҳафта қалбингизда эзгу ҳислар жўш уради. Таваққал бирор ишга қўл урмаганингиз маъқул. Хамкорларингизга эътиборлироқ бўлинг.



Эгизаклар (22.05 — 21.06) — Шу кунларда ўзингизга эътиборлироқ бўлишингиз лозим. Яхши маслаҳатга муҳтожлик сезасиз. Эркин фаолият юритишингизга имкон туғилади.



Қисқичбака (22.06 — 22.07) Бу ҳафта сиз унун муваффақиятли бошлаганида. Ҳафта давомида келажакка бўлган ишонч кучая боради. Эҳтимол лавозимингиз ёки маошингиз ошиши мумкин.



Арслон (23.07 — 22.08) — Ушбу ҳафта масъулиятли ишни ҳал қилиш сизнинг зиммангизга тушади. Бироқ катталар маслаҳатига қулоқ тутишни унутманг.



Паризод (23.08 — 22.09) — Айни кунларда гулни тежаб сарфлашингизга тўғри келади. Акс ҳолда молиявий тангликка учрайсиз. Бекорчи харажатларга йўл қўйманг.



Тарози (23.09 — 22.10) — Шу ҳафта ўзингизга хос дид соҳиби эканингизни намён этасиз. Ички руҳий оламнингиз севга-муҳаббатга тўла. Бу тўғру ҳаётингизни янада чарогон этади.



Чаён (23.10 — 22.11) — Ушбу ҳафта баҳорий кайфият билан янги режалар асосида иш бошлайсиз. Апрель ойининг ўртаси бирор иш бошлашингиз учун қўлай фурсат.



Ўқотар (23.11 — 21.12) Бу ҳафта сизни улкан ютуқлар кутмоқда. Бор куч-қувватингизни ўз ишингизга сарф қилганингиз маъқул. Эришган ютуқларингизга атрофингизда ҳасад ва гараз қилгувчилар бор.



Тоғ эчкиси (22.19 — 19.01) — Яқин кунларда юқодий қобилиятингиз ошииб, янги ишга қўл урасиз. Ҳаёлпарастликдан қўриб, вазиятдан фойдаланишингиз керак. Ўз куч ва иродангизга ишонинг.



Қовға (20.01 — 21.02) Шу кунларда кўпдан режалаштирган ишларингиз амалга ошади. Иш жойингиздаги айрим майда гапларга эътибор қилманг. Яқин кунларда эса фарзандларингизнинг ютуқларидан ниҳоятда қувонасиз.



Балиқ (12.02 — 20.03) — Бу ҳафта бирор жойга боришингиз, танишлар орттиришингиз мумкин. Ҳаётингизда катта ўзгаришлар кўтилимоқда. Сизни яхши ишга таклиф қилишлари эҳтимол.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2004 йил баҳорги - ёзги мавсумига тайёргарчилик кўриш муносабати билан ДУК «СУВСОЗ» трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида куйидагиларни маълум қилади:

6 апрел соат 9.00 дан 7 апрел соат 21.00 гача

1. Мирзо Улуғбек тумани: Ялонғоч, Феруза, ТТЗ-1, 2, 3, 4 мавзелаарида, Мўминова кўчасида ва унга ёндошган кўчаларда - сув бўлмайди.

7 апрел соат 9.00 дан 8 апрел соат 12.00 гача

1. Чилонзор тумани: Чилонзор кўчаси ва унга ёндошган кўчаларда, «Чилонзор», «Қозиробод» маҳаллаларида - сув бўлмайди.

8 апрел соат 9.00 дан 9 апрел соат 9.00 гача

1. Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларида: умумий пасайиши Акмал Икромов тумани: қисман сув босими пасаяди.

2. Юнусобод тумани: «Жомий» маҳалласи, М. Турғунбоева кўчаси ва унга ёндошган кўчаларда.

3. Собир Раҳимов тумани: Б-1, 2, 3, М-26, М-27, Тахтапур мавзеси, Лангар кўчасида.

4. Шайхонтоҳур тумани: Себзор мавзесида сув бўлмайди.

13 апрел соат 9.00 дан 14 апрел соат 9.00 гача

1. Сергели, Бектемир туманларида: умумий пасайиши, Миробод туманида қисман сув босими пасаяди.

2. Сергели тумани: Строительный мавзеси, Дадаходжаева, Янги турмуш кўчаларида, Қўйлик - 7 мавзеси, Спутник мавзеси 1-17 гача юқори қаватларда, Сергели мавзеси 5, 6, 7, 8, Ваюқори қаватларда, Дўстлик мавзеси 1.2- юқори қаватларда сув бўлмайди.

17 апрел соат 21.00 дан 18 апрел 7.00 гача

1. Мирзо Улуғбек тумани: Циолковский кўчаси ва унга ёндошган кўчалар Гогол кўчаси, М-1, М-2 мавзесида сув босими пасаяди.

2. Мирзо Улуғбек тумани: Х.Олимжон, Пушкин, Пишпекский, Х.Низов, М-1 мавзелари, Асака, Ганди кўчаси ва тор кўчалари билан Қаюмова кўчасида - сув бўлмайди.

19 апрел соат 9.00 дан 20 апрел соат 9.00 гача

1. Ҳамза, Миробод, Чилонзор туманларида - умумий сув босими пасаяди.

2. Сергели тумани: Полевая, Питонная, Охунбобоев, Саади, Чоштепа кўчалари ва унга ёндошган кўчаларда.

3. Ҳамза тумани: галабанинг 40-йиллиги, Лисунов, Слоним мавзеларида юқори қаватларда.

4. Миробод тумани: Гайдар, Фитрат, Фетисов, Янгизамон мавзеларидаги юқори қаватларда - сув бўлмайди.

22 апрел соат 9.00 дан 23 апрел соат 9.00 гача

1. Ҳамза, Миробод, Чилонзор туманларида: - сув босими пасаяди.

26 апрел соат 9.00 дан 27 апрел соат 9.00 гача

1. Миробод тумани: Афросиёб, Нукус кўчалари ва унга ёндошган кўчаларда - сув бўлмайди.

27 апрел соат 9.00 дан 28 апрел соат 9.00 гача

1. Юнусобод тумани: Отчопар 1, 2 Юнусобод, Мирзаходжаева, Обид Зокиров мавзелари, Обид Зокиров кўчаси ва унга ёндошган кўчаларда - сув бўлмайди.

28 апрел соат 9.00 дан 29 апрел соат 9.00 гача

1. Чилонзор тумани: Чопонота кўчаси 1, 2, 3, 4 квартал, Фарход кўчаси ва унга ёндошган кўчаларда.

2. Яқкасарой тумани: Абдуллаева мавзесида, Саломатин кўчаси ва унга ёндошган кўчаларда, Усмон Носир кўчасида - сув бўлмайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи автомашиналар юборилади.

Телефонлар: 152-60-08, 133-15-95, 133-75-95

Тошкент вилояти «Матлуботсавдо» АК бошқаруви компания Таъсисчиларининг навбатдаги Умумий мажлиси 2004 йил 17 апрель соат 10-00 да компания маъмурий биносиди қақририлишини билдиради

Мажлис кун тартибида:

1. «Матлуботсавдо» АК ва тизимдаги ташкилотларнинг 2003 йил молиявий хўжалик фаолиятининг яқунлари ва 2004 йил тизимда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва кишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишини яхшилаш борасидаги вазифалар ҳақида.

2. «Матлуботсавдо» АКнинг 2003 йил молиявий хўжалик фаолиятини тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.

3. «Матлуботсавдо» АКнинг 2004 йил 1 январ ҳолатига бўлган мувозанатни тасдиқлаш.

4. «Матлуботсавдо» АК бошқарув девонини сақлаш учун 2004 йил харажатлар сметасини тасдиқлаш.

5. «Матлуботсавдо» АКнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш ва Устав жамғармасини 50 минг АҚШ долларига эквивалент қийматига кўтариш ва шу қийматда қимматли қоғозлар чиқариш ҳақида.

6. Ташкилий масалалар.

Аҳоли диққатига!

2004 йил 5 апрелдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 19 сум 70 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 9 сўм 85 тийин белгиланди.

ОАЖ Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.

«KON-SHARQ»

акциядорлик жамиятининг акциядорлари диққатига!

«KON-SHARQ» акциядорлик жамияти 2003 йил 26 ноябрда бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига асосан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади! Барча даъволар Тошкент шаҳар, Дадабоев кўчаси, 52- уй манзили бўйича ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 118-80-72.

«KON-SHARQ» АЖ кузатув кенгаши

«02» ХОДИСАЛАР

Хозирги кунда чет давлатларга сафарга ёки ишлашга бориш каби масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга эмас, баъзи ҳолларда айрим удабурон «мутахассис»ларга мурожаат этиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бунинг оқибатида эса, уларнинг найрангларига лақа тушган соддадил фуқароларимиз моддий ва маънавий азият чекиб қолмоқдалар. Хўш, бундай кўнгилсиз воқеалар қай тарзда юз бериши мумкин. Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеаларнинг қисқача тафсилоти мисолида ушбу саволга жавоб топиш мумкин.

● Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимларининг аниқлашча, туман ҳудудида фаолият олиб борган фирмалардан бирининг раҳбари Р.М. ва фирма ходими М.Э. исми кимсалар осонгина мўмай даромад орттириш мақсадида Юнусобод тумани, 14-мавзёда истиқомат қилувчи фуқаро А. Мирзараҳимовнинг ишончини қозониб, уни «Норвегия давлатига ишга юборамиз» деб алдаб, 252 000 сўм пули ва 3600 АҚШ долларини олиб, ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборганлар.

● Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳри, О.Мансуров кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи ака-ука Эргашевлар ҳам ишонувчанликлари ва соддадилликлари оқибатида фирибгарларнинг найрангларига алданиб қолдилар. Улар Сергели тумани, 6-дахда яшовчи, бирор жойда ишламайдиган Л.Н. исми танишининг уйда хонадон соҳиббасининг «Корея давлатига ишлашга боришингизга ёрдам қиламан», деган қуруқ ваъдаларига ишонишиб, нене машаққат билан тўплаган 5000 АҚШ долларини қуртдай санаб берганлар. Охир-оқибатда эса, фирибгарнинг тузоғига илингачликларига амин бўлишгач, бу ҳақда ички ишлар ходимларига мурожаат этишга мажбур бўлдилар.

Самариддин ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри ИИББ Матбуот маркази инспектори

«Гўштсаноати» савдо-воситачилик фирмаси жамоаси «Агротраст» фирмасининг собиқ раҳбари **Мирмуҳсин Муродович РАҲАБОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

АТОҚЛИ АДИБ ИЖОДИНИ БИҚАСИСИЗ!

Азиз оқшомхон! Аввало таърифлари куйида баён этилиб, рақамларда ифодаланган атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид сўзларни топиб, очкич-ни ҳал этинг.

1. Абдулла Қодирий таҳсил олган Тошкентдаги мадраса — 2, 15, 8, 12, 9, 3, 11, 1, 10.
2. «Ўткан кунлар» романидаги она образларидан бири — 3, 22, 13, 3, 15.
3. Ижодкорнинг илк шеърларидан бири — 2, 4, 23, 3, 12, 1, 10, 1, 13.
4. Абдулла Қодирий ёзиб қолдирган тарихий романларда баён этилган воқеалар бўлиб ўтган хонлик давлати — 9, 20, 9, 3, 19.
5. Кино экранда Отабек образини гавдалантирган маҳоратли санъаткор — 10, 8, 4, 2, 10, 10, 2, 6, 21, 2, 5, 1, 10, 3, 23.
6. Ёзувчи ташкил этилишида ташаббускор бўлган ҳажвий журнал — 10, 8, 7, 13, 8, 10.
7. Абдулла Қодирий қаламига мансуб «Миллатимга бир қарор» шеъри сатрларидан:
 - «Ўқишсин миллат авлоди дуо айлаб,
 - Қилиб таҳлил улумларни фунуна 14, 5. Ўлсун.»
8. Ижодкорнинг кичик асарлари Эълон қилинган журналлардан бири — 13, 3, 19, 17.
9. Абдулла Қодирий ҳақида: «Жулқунбой ахлома ёзувчи, моҳир донишманд, истеъдодли санъаткор, қалби пок соҳибқалам эди. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ажайиб романлар ёзди, кенг оммага танилди ва холисона қимматли маслаҳатлар кўрсатган эди» — сўзларини ёзиб қолдирган атоқли тожик ва ўзбек ёзувчиси — 2, 16, 19, 1, 16.

Энди шаклдаги рақамларни очкич сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонгани ҳал этинг. Бунда Абдулла Қодирийга берилган таъриф ва унинг муаллифи бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси номини билиб olasiz.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

	9	8	14	7		4	2	10	1	7	2		9	8	14	7
16		3	22	13	3	15	1	19	1	19	17		18	2		1
1													23			5
5		20	21	11	1	10	1	18	19	1		4		3		
1		21										2	12			6
6				6		2	4	10	2	6		10				2
3		2		1								1	15			4
9		12		2								7	1	11		3
		20	11									2	12			
17		13											10			4
19													14	2		2
1		10		1								5	11			10
19		3		6								1				1
1		4		2	5	8	13		15	1	13		1			7
11		12											11			2
3		1		1	5	2	12	5	8	19		9	1	11		
4																6
2	6	16	1	5	1	6	3	9		5	1	6	3	4	2	



Газетанинг шу йил 2 апрель сонидан берилган «4» ҳарfli айланма кроссвордининг жавоблари:

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. Чағиний. 2. Чили. 3. Чугурчук. 4. Чигир. 5. Чигиртка. 6. Чора. 7. Черчилль. 8. Чилангар. 9. Чамбарак. 10. Частокол. 11. Челюскин. 12. Чингил. 13. Чита. 14. Чавандоз. 15. Чанд. 16. Чаманзор. 17. Чейз. 18. Черепица.

МУАММОНОМА
Очкич сўзлар:
Мақол: «Чинқиқанга чанг оқмас».

Райимбойнинг шу йил ёзда уйланиш нияти бор эди. Лекин мўлжалига тўри келадиган қиз ҳақида топилавермади. Боши қотиб, қўлини маҳаллада яшайдиган қайнони аёл — Роҳила опа олдида маслаҳатга борди.

— Сенга ўзи қанақа қиз керак? — сўради Роҳила опа уни тинглагач. — Семизи бўлсинми ёки ориқроғимми? Новчасини ёқтирасанми ёки ўрта бўйлигини?

— Семиз, лўмбиллаганини топаверинг, — деди Райимбой. — Сабаби, фельми ўзимга маълул, мен хотинга талабчан бўламан... Ўрта семизликдаги қиз менга тегса, сал вақтда тарашаси чиқиб кетади. Хозир кўп йигитлар ёқтирадиган сув ичса томоғидан кўринадиган нозик қизлар эса чиллаширга айлангани аниқ. Менга семизгина, полвонгинаси мос. Бундай қиз менга тегса, сал кунда нормалнилайлашиб, ёнимда юрса ҳаммаининг ҳаваси келадиган бўлади.

— Қизнинг маълумоти қандай бўлсин?

— Олий маълумотли бўлгани яхшида. Сабаби, ўзим ҳам олий маълумотлиман. Эр-хотиннинг маълумоти тенг бўлса, гулни гулга қўшган бўласиз.

— Дидинга балли! Сен излаган қиз мен ишлайдиган шифохонада бор. Яқинда у тиш дўстирликни битириб келди. Сен хоҳлагандай семизгина, полвонгина, тагли-зотли... Хўп десанг, ўша қиз билан таништираман.

— Бўлди! — деди Райимбой. — Сизга ёққани — менга ёққани. Таништиринг.

— Шундай қилиб, Роҳила опа аввал қиз билан гаплашиб, учрашувга розилигини оладиган, сўнг Райимбойга хабар қиладиган бўлди. Райимбой уйига хурсанд бўлиб қайтди.

Тасодифан қарангки, орадан икки кун ўтгач, худди атайлаб бўлганидек, Райимбойнинг жағ тиши оғриб, тун бўйи мижжа қоқмай чиқса бўлмасди. Эрталаб ёрдам истаб Роҳила опага кўнйор қилди. У воқеадан хабардор бўлган, суюниб деди:

— Вой, яхши бўлибди тишинг оғригани! Ҳар бир ёмон нарсанинг яхши томони ҳам бўлади, деганлари шу-да. Соат тўққизга шифохонамизга келавер. Ҳам тишингни даволатасан, ҳам қиз билан танишиб олсан. Узилам жуда қўли енгил дўхтир... Мен унга сен ҳақингда айтдим. У учрашувга рози бўлди.

— Бу гапдан Райимбойнинг кайфияти яхшиланиб, тиш оғриғи ҳам пасайгандай бўлди. Жағини жун рўмол билан боғлаб, шифохонага шошилди.

— Севарахон! — деди Роҳила опа йигитни дўхтир қиз хузурига олиб кириб. — Сизга кеча айтганим мана шу йигит. Фақат хозир тиши оғриб қолдиби. Ёрдам берсангиз. Ҳам тишини даволанг, ҳам икки ёш танишинлар. — Кейин қўшимча қилди: — Юлдузингиз юлдузингизга тўри келиб, турмуш қуриб кетсанглар, бу ҳам бир эсдалик бўлади.

Қиз жилмайиб ерга қаради. Райимбой эса оғриқ азобини зўр-базўр енгиб:

— Танишганимиздан хурсандман! — деди.

Севара қузариб:

— Раҳмат! — деди.

У йигитни курсига ўтқазиб, оғриқ тишини анча кўрди. Кейин қўлига кумушранг, жажжи пармалаш дастохини олиб, тишини пармалашга тутинди. Шунда жағдаги оғриқ илгаригисидан ҳам кучайиб, Райимбойнинг назарида бир эмас, бир неча тиши зирқираб оғрий бошлаганга ўхшайди. Пешонасидан совуқ тер чиқиб, «од!» деб юборгиси келди. Лекин номус қучли, чилдади. Ахир қиз бирдан: «Иродасиз йигит эканку, менга қувелик-

лекин шифохона томонга оёғи тортмади. Шунда дўсти Холматни учратди. У Райимбой билан сўрашаркан, дўстининг ранги оқариб, қўзлари ич-ичига тушиб кетганлигини кўриб, сабабини сўрашди. Райимбой бор гапни яширмай дўстига айтди.

— Бектемирдаги Табассум кўчасида Солижон ака деган тажрибали тиш дўхтири бор, — деди Холмат. — Ўшанинг олдига олиб борай. Унинг бўйи етган қиз ҳам бор...

— Менга хозир хотин олиш эмас, тиш оғриғидан қутулиш мумин, олиб бор танишинга, — деди Райимбой. — Ахир уч кундан бери мижжа қоқганим йўқ, Бугун ҳам ухломмасам, чўзилиб қолсам керак...

ТИШИ ОҒРИГАН БЎЙДОҚ

Ҳикоя

ка ярамайди бу», деган ҳаёлга борса, лўмбиллаган оппоққина жондан қуруқ қоладиди.

Қиз пармалашни тугатгандан сўнг, тиш каварига дори қўйди. Кейин:

— Бугунги ишимиз тугалди, — деди. — Эртага келсангиз, дорини олиб, касал тишингизни глом-балаб қўяман.

Райимбой енгил тортиб:

— Раҳмат! — деди ва имкониётдан фойдаланиб қўшимча қилди: — Мени мана шу азобдан қутқарсангиз, бир умрлик вафодорингиз бўламан.

— Менга биринчи навбатда соғлигингиз керак, — деди қиз камтарлик билан.

— Раҳмат!

Райимбой уйига қайтди. Лекин тиш оғриғи заррача ҳам қамаймай, аксинча кучайиб кетди. Яна туни билан мижжа қоқмай ховлида юриб чиқди.

Эртаси Райимбой яна шифохонага борди.

— Қалай, оғриқ қолмай, Райимбой ака? — сўради Севара жонсарак бўлиб.

— Йўқ, аксинча оғриқ кучайди.

Севара йигитнинг оғзини очиб, яна қараган бўлди-да, деди:

— Кенаги дори эскиб, кучи қолмаган кўринади. Касал тишининг нерв толаларини ўлдирмади. Бугун янгишдан қўяман.

— Майли.

Қиз йигитнинг касал тишини яна кавлади. Яна Райимбой дўзах азобини бошдан кечирди. Бу гал ҳам бутун иродасини ишга солиб, «миқ» этмай ўтирди. Қиз оғриқ тиш каварига янги дори қўйиб, яна Райимбойдан эртага келишини илтимос қилди.

Райимбой уйига қайтди. Лекин тишининг оғриғи пасайиш ўрнига кучайиб, яна туни билан ухломмай чиқди.

Эрталаб кийиниб, бир ҳолатда кўчага чиқдию,

Икки ўртоқ тақси ушлаб Солижон дўхтирнингига боришди. У Райимбойнинг оғзини очиб, тишларини диққат билан кузатган:

— Тишингизни даволанган шифокор қайси ўқув юртини битирган? — деди.

— ТошМИнинг стоматология факультетини битирган.

— Шундайми?.. Ундай бўлса, у бу институтни равоида сайр қилиб юриб битирган экан.

— Hera?

— У оғриган тишингиз қилиб, соғ тишингизни кавлабди-ку!

— А?!

— Ха, шундай.

— Вой бақалоғей!.. Булар иш бўлибди, дўхтир. Нима бўлса ҳам мени азобдан қутқаринг. Иккала тишимни олиб ташласангиз ҳам майли.

— Ундай қилмаймиз, — деди Солижон дўхтир. — Иккала тишингизни ҳам даволаса бўлади. Одамнинг ўз тиши — гавҳар, уни олиб ташлашга шошмаслик керак.

Солижон дўхтир Райимбойнинг иккала тишини ҳам кавлаб, дори қўйди. Яна қаттиқ оғриқ турди, лекин маълум вақт ўтгач, у пасай бошлади.

Холмат дўстини тақсиди уйига олиб келганди, Райимбойнинг тиш оғриғи тўхтаб, қаттиқ уйқуга кетган эди. Уни икки киши бўлиб кўтаришиб, уйига олиб кириб, каравотга ётқизишганда ҳам уйғонмади.

Эрталаб Роҳила опа келганди Райимбой қўзини эндигина очиб, онаси стандада бирган шакарли чойни ичаётган, ранги ҳамон бир ҳолатда эди.

Роҳила опа ундан сўради:

— Тузукмисан, тишингнинг оғриғи қолдимми?

— Қолди, — деди Райимбой.

— Ана кўрдингми, мен топган қизнинг қўли шунча енгил... Энди онаг билан уникига совеликка бораверайликми?

— Йўқ, у қиз менга бўлмайди. Солижон дўхтирнинг қизига уйланаман.

Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4409 нусxada босилди. Кўзга ёришни А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамоти»га — 133-7405 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шер» ношриёт-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.